2018 ЙИЛ 1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (13.741)

Баҳоси эркин нархда

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ФАРОВОНЛИК ОШИШИ ВА НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИДА АКС ЭТИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 июль куни ғўза ривожини жадаллаштириш, ғалла ўримидан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, жорий йил 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида 5 июлдан 5 сентябрга қадар "Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги" эълон қилинган эди. Йиғилишда шу борада амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ўтган вақт мобайнида ғўза ривожининг кечикиши бартараф этилмагани, ғўза ривожи ҳали ҳам 8-10, баъзи жойларда 12-15 кунга орқада қолаётгани таъкидланди. Ўтган йилнинг шу даврида бир туп ғўзада ўртача 5-7 кўсак шаклланган бўлса, бугун 3-5 тадан ошмайди.

Бундай ҳолат юзага келишининг асосий сабаби июнь-июль ойларида жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарлари, айниқса, фермерлар ғалла ўрим-йиғими ва такрорий экин экишни баҳона қилиб, ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўйганида, деди давлатимиз раҳбари. Ғўзани чанқатмай, қатор ораларига ишлов бериш ва сувдан самарали фойдаланиш ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Ўрганишлар шуни кўрсатдики аксарият далаларда на культиватор, на сувчи ва на бирор ишчи кўринмайди. Ҳатто айрим туманларда пахта ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўплаб майдонларда ғўза чанқаб ётибди, бу эса ҳосил йўқотилишига олиб келмоқда.

Республика ишчи гуруҳлари маълумотига кўра, ғўза қатор ораларини культивация қилиш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Қатор туманларда тракторлар бошқа ишларга жалб қилингани оқибатида культивация кечикиб, ғўза қатор оралари ёрилиш даражасига келган. "Механизаторлар уйлари"да шароит йўқлиги, "отряд" ва "наряд" тизими ишламагани оқибатида культиваторларнинг 45-50 фоизидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалигидаги вазифаларни бажаришда камчиликларга йўл қўйгани учун Зарбдор, Ғузор, Бағдод ва Уйчи туманлари тўртала сектор раҳбарларини лавозимидан озод қилиш бўйича топшириқ берилди.

Пахта майдонларида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғўзани чанқатмай, қатор ораларига ишлов бериш, культиваторлардан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Бу йил ноқулай об-ҳаво туфайли ғўза зараркунандаси ва ҳашаротлар кўпайди. Олимларнинг аниқлашича, кўсак қурти капалагининг қишловдан соғлом чиқиш даражаси 76 фоизни ташкил этаяпти. Бу охирги йиллардаги энг юқори кўрсаткичдир. Аслида, бу рақамнинг 50 фоизга етиши фавқулодда ҳолат сифатида баҳоланади. Бу йил эса ҳашарот 1,5 баробар кўп. Бу муаммо ҳар бир масъул раҳбардан тизимли назоратни йўлга қўйиш, айниқса, фермерлардан шахсий масъулиятни кучайтиришни талаб этади.

Соҳа олимлари бу йил 460 минг гектарда ўргимчаккана, 390 минг гектарда кўсак қурти ва 42 минг гектарда беда қандаласи тарқалиши тўғрисида прогноз бермоқда. Шу сабабли Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университети раҳбарлари бошчилигида 127 нафар олим вилоятларга юборилди. Ғўзани зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилишга бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилди. Лекин айрим сектор раҳбарлари ҳали ҳам бепарво юрибди. Минглаб гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди, деб ҳисобот берилган бўлса-да, амалда кутилган натижага эришилмаган. Яъни, ишлов сифатсиз ва номига ўтказилган. Оқибатда айрим вилоятларда кўсак қурти 4-5 минг гектардаги ғўзага зарар етказган. Яна 8-10 минг гектар майдон хавф остида турибди.

Ғўза ривожига суғориш ишлари тўғри ташкил қилинмагани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Сектор раҳбарлари ва сув хўжалиги ходимлари сувни адолатли тақсимлаш билан етарлича шуғулланмаяпти. Масалан, муайян туманга етказиб берилган сувнинг 50-60 фоизи такрорий ва томорқа экинларини суғоришга йўналтириляпти. Сувдан мақсадли фойдаланилмагани, етарлича сувчи жалб қилинмагани, тунги суғориш ишлари ташкил этилмагани оқибатида айрим туманларнинг 10-15 фоиз майдонида ғўза чанқатиб қўйилган. Ғўзани шарбат усулида суғориш бўйича аниқ топшириқ берилган бўлишига қарамай, айрим туманларда 60-65 фоиз майдонга сувнинг ўзи ҳайдалмоқда. Шу муносабат билан Сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат ветеринария қўмитасига ўз тизимидаги ходимларни далага маҳаллий ўғит чиқариш ва ғўзани шарбат билан суғориш ишларига жалб қилиб, фермер хўжаликларига бириктириш вазифаси топширилди. Сувдан самарасиз фойдаланган сектор раҳбарлари ва фермерларга нисбатан чора кўрилади.

Йиғилишда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни якунлаш, шартнома тузиш ва бўнак маблағларини бериш ишларини жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Бугунги кунда дунёда аҳоли сони ва ҳаёт даражаси ўсиши сабабли жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва нарх-наво ошиб бормоқда. Бундай шароитда барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, ички бозорни тўлдириш ва экспорт ҳажмини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Айни шу мақсадда жорий йилда ғалладан бўшаган 680 минг гектар майдонга такрорий экин экиш белгиланган эди. Лекин такрорий экин экиш бошланганига бир ойдан ошган бўлса-да, ишлар ҳали якунига етказилгани йўқ. Жумладан, мамлакат бўйича 25 минг 350 гектар майдонга картошка экиш белгиланган. Бироқ бугунгача унинг 52 фоизигагина экилган.

Яна бир муаммо шуки, такрорий экин тури ва майдони белгилаб берилган бўлса-да, сектор раҳбарлари назорат қилмагани оқибатида 2 баробар кўп майдонга чорва озуқаси экилган. Айрим сектор раҳбарлари қўшиб ёзиш каби эски ва зарарли иллатдан ҳалигача қутулмагани туфайли такрорий экин бўйича маълумотлар тўғрилигига кафолат бериб бўлмайди. Масалан, ўтган йили ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экилгани ҳақида ҳақиқатдан йироқ ҳисобот берилгани мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига салбий таъсир кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, Бош прокурор белгиланган талабларни бузган масъул раҳбарларга нисбатан тегишли чора кўриши керак. Мутасаддилар ўтган йилги камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, такрорий экин майдонларида маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиши лозим. Такрорий экин экиш ишлари 5 августгача тўлиқ якунига етказилиши шарт. Бунинг учун моддий-техника ресурслари тўлиқ етказиб берилиши, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилиши, сувдан оқилона фойдаланилишини алоҳида назоратга олиш зарур.

Йиғилишда қайд этилганидек, такрорий экин маҳсулотларини харид қилиш бўйича қайта ишлаш корхоналари, экспортчи ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномалар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз. Жумладан, экспортга чиқариладиган такрорий экин маҳсулотларининг Қорақалпоғистонда 23, Тошкент вилоятида 27, Бухорода 53 фоизини харид қилиш бўйича экспортчи ташкилотлар билан шартнома тузилмаган. Қайта ишлаш корхоналари ва тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузиш борасида ҳам шундай кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Шартномалар тўлиқ тузилмагани фермерларга бўнак маблағлари тўлашга салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу кунгача қайта ишлаш корхоналари бўнакнинг 10, экспортчилар 11, тайёрлов ташкилотлари 38 фоизини тўлаган, холос. Шартнома тузилмаса, бўнак маблағи берилмаса, деҳқоннинг ҳоли нима кечади, деган масала ҳеч кимни ташвишлантирмаётгандек. Бу муаммони тезкор бартараф этиш мақсадида мутасаддиларга беш кун муддатда такрорий экиндан олинадиган маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар тузишни, ўн кун муддатда бўнак маблағлари тўлаб беришни якунига етказиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналари, экспортчилар ва тайёрлов ташкилотларига бўнак маблағларини тўлаб бериш учун зарур бўлган кредитлар қисқа муддатда ажратилишини қатъий назоратга олиш керак. Тузилган шартномаларга асосан такрорий экин маҳсулотларини етказиб бериш бўйича самарали тизим ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосида ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш чораларини кўриш зарур.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ички бозорни арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда томорқадан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил бу борада янги тизим татбиқ қилиниб, 161 та "Томорқа хизмати" корхонаси ташкил этилди. Уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 471 миллиард сўм кредит ажратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, 500 миллиард сўм ажратилди. Шу кунга қадар Жамғарма ҳисобидан томорқада маҳсулот етиштириш, иссиқхона ташкил қилиш, техника ва ускуналар харид қилишга 62 миллиард сўм йўналтирилди.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида аҳоли учун 400 миллион доллар ажратилди.

Буларнинг барчаси томорқада маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, иссиқхона ташкил қилиш, уй шароитида парранда ва чорва моллари боқиш орқали аҳолининг даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш, турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Лекин шундай саъй-ҳаракатларга қарамай, томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этишда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва "Томорқа хизмати" кутилганидек фаоллик кўрсатмаяпти.

– Томорқадан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича яратилган тизим натижа бериши шарт. Биз буни аҳоли турмуш шароитининг ўзгариши ва ички бозордаги нарх-наво билан баҳолаймиз. Барча раҳбарлар яхши тушуниб олиши керак. Томорқа – бу аҳолининг бандлиги, даромад манбаидир, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу сабабли томорқада маҳсулот етиштираётган, қорамол, 50 бош паррандаси бўлган хонадоннинг ишсиз аъзоси 1 минимал иш ҳақи миқдорида пенсия жамғармасига тўлов қилса, 1 йиллик кафолатланган иш стажига эга бўлиши белгилаб қўйилди. Бу имтиёз уйида деҳқончилик қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар, ёшларнинг бандлигини таъминлаб, келажакда пенсия олишига замин яратади. Мутасаддилар янги тизим самарали ташкил этилишини таъминлаш чораларини кўриши ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни қатъий назоратга олиши керак. Аввало, томорқада бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ишларини ташкил этиш зарур. Айни пайтда ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, август-сентябрь ойларида экиладиган пиёз, саримсоқпиёз, кўкатлар каби тўқсонбости экинлар хонадонма-хонадон жойлаштирилиб, ўз вақтида экилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун "Томорқа хизмати" корхоналари томонидан уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар етказиб берилишини алоҳида назоратга олиш даркор.

Йиғилишда маҳаллий бюджетга қўшимча даромад тушириш захираларини сафарбар қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

Июль ойи якуни бўйича солиқ идоралари томонидан қарийб 4,7 триллион сўм маблағ ундирилиши, режадан ташқари бюджетга қўшимча 889 миллиард сўм тушиши қайд этилар экан, айрим ҳудудлар асосан йирик солиқ тўловчилар хисобига режани бажараётгани таъкидланди. Савдо, хизмат кўрсатиш нуқталари, кичик тадбиркорлик субъектларини солиқ билан тўлиқ қамраб олиш, фаолият кўрсатмаётган субъектлар билан ишлаш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш юзасидан ишлар етарли даражада эмас. Солиқ тўловчилар сонида ўсиш деярли кузатилмаяпти. Ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари бу борадаги вазиятни чуқур таҳлил қилиши, ишга янада жиддий ёндашиши зарур. Шундагина масалани ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

Йиғилишда маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг январь-июль ойлари якунига кўра, мамлакат бўйича жами 7,2 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши ва режа кўрсаткичлари 104 фоизга ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 127 фоизга бажарилиши кутилмоқда. Лекин бу рақам барча соҳаларда экспорт ошишини назарда тутмайди, албатта. Масалан, айрим вилоятларда мева-сабзавот экспорти ҳажми ортгани ҳолда, саноат маҳсулотлари экспортининг режа кўрсаткичлари бажарилмай қолиши мумкин. Режа кўрсаткичларига тўлиқ эришиш учун мутасаддилар масалани атрофлича ўрганиб, зарур чораларни кўриши керак.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди.

ЎзА

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.

Меморандумда хорижий мамлакатларнинг парламент фаолиятига оид қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тажрибаси ҳақидаги маълумотлар банкини шакллантириш кўзда тутилган.

– Қонунчилик ва парламентаризм муаммолари, қонунчилик самарадорлигини, қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ва Германия олимлари, мутахассислари иштирокида илмий анжуманлар, конференция, симпозиумлар ташкил этиш орқали алоқаларни янада мустаҳкамлашни мақсад қилганмиз, – деди Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти етакчи илмий ходими Шерзод Худойбергонов.

Меморандумда хорижий мамлакатларнинг энг илғор электрон ахборот-кутубхона ресурсларига уланиш юзасидан кўмаклашиш, Германиянинг таҳлилий марказларига, Бундестаг ва унинг илмий марказига хизмат сафарларини ташкил этиш, тадқиқот марказлари билан тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ҳам белгилаб олинди.

– Жамғарманинг асосий мақсади Ўзбекистон давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг мақсад ва вазифаларини бажаришида таҳлилий кўмак кўрсатиш, шу жумладан, биргаликда тадбирларни ташкил этиш, хорижий экспертлар ва мутахассисларни мазкур тадбирларга жалб этишдан иборат, – дейди Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистон ва Қозоғистондаги минтақавий директори Хенриетте Кифер. – Биз ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз янада ривожланаётганидан хурсандмиз ва институт вакилларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

И.АҲАТОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган халқаро аэропортидан муборак Ҳаж зиёратини ният қилган юртдошларимизнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига жўнаб кетди.

● Фарғонада маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Ёзёвон туманидаги ўрганишлари якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мулоқотда партия вилоят кенгаши, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими масъуллари, партиянинг "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

● Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида "Yoshlar mehnat guzari" қурилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Республика ишчи гуруҳи вакиллари, вилоят ва туман ҳокимлиги, тадбиркорлар, нуронийлар, ёшлар иштирок этди.

● Ангор туманида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ажримлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш, шунингдек, ёшларни оилага тайёрлаш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Марс сайёраси ва Ер ўртасидаги масофа энг яқин даражага етиб, 57,6 миллион километрни ташкил этди. Кейинги бундай ҳолат 2035 йилнинг август ойида юзага келиши кутилмоқда. Ўша пайтда ҳар иккала сайёра ўртасидаги масофа 56,9 миллион километрдан иборат бўлади.

● Камбоджада бўлиб ўтган парламент сайловларида мамлакатни бошқараётган Халқ партияси 80 фоиз овоз олгани ҳолда ғолиб чиқди. Бироқ, экспертлар томонидан сайловларда қоидабузарликлар ҳам кузатилгани таъкидланмоқда.

● Трек пойгалари бўйича икки карра олимпия чемпиони Кэрен Томас Францияда ўтказиладиган анъанавий "Тур де Франс" велопойгаларининг ғолиби бўлди.

● Германияда вагонда шубҳали нарса солинган идишнинг мавжудлиги туфайли ҳаракатланаётган поезднинг барча йўловчилари зудлик билан эвакуация қилинди.

"Обод маҳалла" дастури – амалда

АҲОЛИ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод маҳалла" дастури халқимизнинг турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлаш, бу орқали уларни ҳаётдан рози қилиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам "Обод маҳалла" дастури доирасидаги хайрли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Олмазор туманидаги "Тепагузар" маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирларини ўтказилиши ана шундай хайрли ишлардан биридир.

Энг аввало Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари томонидан мазкур маҳалла ҳудуди обдон ўрганилди. Хонадонлар ва оилалар ҳолидан хабар олиниб, мулоқотлар ўтказилди. Уларнинг ижтимоий-маиший аҳволи ўрганилди ва муаммолари аниқланди. Касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари "Тепагузар" маҳалла аҳли билан ўтказилган очиқ мулоқот ва суҳбатларда, шунингдек, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш жараёнида кўп қаватли уйлар атрофида болалар майдончаларининг деярли мавжуд эмаслиги, мавжуд бўлган биттагина майдонча ҳам таъмирга муҳтож эканлигини аниқлаган эдилар. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ушбу маҳалла ҳудудида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан катта кўламдаги қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида "Тепагузар" маҳалласида амалга оширилаётган мана шу кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилиб, шинам ва қулай шароитларга эга 9 та болалар, 2 та спорт майдончалари, отахон ва онахонлар учун замонавий "Нуронийлар маскани" барпо этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан маҳалла аҳли иштирокида ушбу иншоотларни фойдаланишга топшириш тадбири тантанали равишда ташкил этилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар, касаба уюшмалари фаоллари, нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.

Тадбирда "Нуроний" жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиков ва бошқалар юртимизда кечаётган шиддатли ислоҳотлар, инсон омилига йўналтирилган ижтимоий дастурлар ҳамюртларимизнинг ҳаёти, тақдирига ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаб ўтишди. Бу жиҳатлар "Обод маҳалла" дастурининг амалга татбиқ этилиши жараёнида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мутасаддилари бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг натижалари, мазкур дастурнинг халқимиз турмуши даражаси ва сифатини оширишдаги аҳамияти хусусида алоҳида тўхталдилар.

– Мамлакатимиз миқёсида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда бунёдкорлик ишларини кўриб бизнинг ҳам ғайратимиз жўшиб кетди, биз ҳам мана шундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш ташаббуси билан чиқдик, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Аҳоли билан суҳбатлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқладик. Касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари томонидан оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳволини ўрганиш жараёнида эҳтиёжманд оилалар ҳам аниқланди. Уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, "Тепагузар" маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Хусусан, авваллари қоронғу тушиши билан одамлар юришга қийналадиган ўнқир-чўнқир кўча йўллари бугун асфальтланиб, обод қиёфа касб этди, тартибсиз ўсиб ётган дарахтлар буталиб, шакл берилди. Кўп хонадонли уйлар атрофида аҳоли учун қулай ўриндиқ ва соябонларга эга дам олиш жойларининг барпо этилгани маҳалла аҳли кўнглини янада қувончга тўлдирди. Шунингдек, кўп хонадонли уйларнинг йўлаклари олди ва уйлар орасига 8 та замонавий ҳордиқ айвончаси, 180 га яқин ўриндиқ ва чиқинди ташлаш учун махсус идиш – урналар ўрнатилди. Кўзни қувнатувчи рангларга бўялган болалар майдончалари ва ўйингоҳлар ота-оналарнинг оғирини енгил қилди. Энди ота-оналарнинг кўнгиллари хотиржам, чунки, авваллари қаерда ўйнашни билмай юрган фарзандлари бугун барча қулайликлар ва ўйин қурилмаларига эга ўйингоҳларда бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Мазкур маҳаллада яшаётган нуронийлар ҳам Касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Уларнинг мазмунли ҳордиғини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги эски чойхона биносида реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, шинам ва замонавий "Нуронийлар маскани" барпо этилди. Ушбу масканда кекса авлод вакилларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Бугун ушбу маскан нуроний отахонларнинг дилтортар гурунглари билан янада файзга тўлган.

Таъкидлаш лозимки, шу кунгача мазкур маҳалла ҳудудини ободонлаштириш бўйича навбатини кутаётган муаммолар талайгина эди. Қарийб 5 минг 300 нафар аҳоли истиқомат қилаётган 27 та кўп хонадонли уй атрофида ҳудудни тартибга келтириш, замонавий болалар майдончаларини қуриш, маҳалла ҳудудини тўпланиб қолган чиқиндилардан тозалаш, ирригация тармоқлари, хусусан, ариқларни чиқиндилардан тозалаб, сув йўлларини очиш, дарахтларни суғориш учун ер ости сув тармоғини тортиш зарурати мавжуд эди.

Бу борада ҳам улар томонидан 27 та кўп хонадонли уй атрофини ҳамда 1700 погон метрга яқин ирригация тармоқлари, яъни ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари амалга оширилиб, ариқлардаги сув йўллари очилди. Бетартиб ўсган 4 мингга яқин дарахт шохлари буталиб, шакл берилди ва оқланди. Турар-жойлар атрофини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш жараёнида ҳудуд 150 тоннадан зиёд чиқиндилардан тозаланди. Шунингдек, ўнқир-чўнқир ер майдонлари текисланиб, ўтлар ўрилди. Ушбу ишларни тезкорлик билан амалга ошириш мақсадида 10 дан ортиқ юк ташиш ва сув сепиш машиналари, бир нечта кўтарма кранлар, электр арра ва бошқа техник воситалар жалб этилди.

– Авваллари, болаларимизни ўйнатиш учун жой тополмай овора эдик. Маҳалламизда болалар майдончаларининг қурилиши нафақат фарзандларимиз, балки биз, ота-оналар учун ҳам катта совға бўлди, – дейди 11-уйда яшовчи кўп болали она Наталья Давидова. – 5 нафар фарзандим бор, тақдир тақозоси билан уларни ёлғиз тарбияламоқдаман. Касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари маҳалламиз аҳолисининг эҳтиёжларини ўрганишди, шу жумладан менинг хонадонимга келиб оиламнинг ижтимоий-маиший аҳволи, бизни қийнаётган муаммолар билан қизиқиб, бизга катта амалий ёрдам кўрсатдилар. Хусусан, оиламиз эҳтиёжидан келиб чиқиб, бугун замонавий музлатгич ҳадя этдилар. Авваллари маҳалламизда болалар майдончалари йўқлиги боис фарзандларимизни қаерда ўйнатишни билмасдик. Бугун эса фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ, улар учун касаба уюшмалари томонидан турли ўйин қурилмалари ўрнатилган замонавий болалар майдончалари, спорт билан шуғулланишлари учун бадминтон майдончаси қуриб берилди. Халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган мана шундай эзгу ва хайрли ишлар учун давлатимиз раҳбарига ва мана шу хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган барча-барчага раҳмат айтамиз. Биз доим шаҳримиздаги бошқа тоза ва озода масканларга ҳавас қилардик, энди бизнинг маҳалламиз ҳам худди ўша маҳалларидек обод бўлганидан беҳад хурсандмиз.

– Қисқа вақт ичидаги бундай катта ўзгаришлардан маҳалламиз аҳли жуда мамнун, – дейди "Тепагузар" маҳалласи фаоли, фахрий педагог Шукурниса Муслимова. – Бугун "Тепагузар" маҳалласи янги қиёфа касб этиб, обод бўлди. Айниқса, дам олиш айвончалари, болажонлар учун қуриб берилган ўйингоҳлардан аҳоли мамнун. Биз эса мана шу яратиб берилаётган шароитларнинг қадрига етишимиз, қуриб берилган дам олиш масканларини кўз қорачиғидек асрашимиз ва мана шу ўгитларни ёш авлод онгига сингдиришимиз зарур.

Тадбир давомида "Тепагузар" маҳалласида истиқомат қилаётган 30 га яқин эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 17 та оилага кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари, яъни газ плитаси, телевизор ва музлатгичлар топширилди. Кам таъминланган оилалардан бўлган 5 нафар фуқарога Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаши учун бепул йўлланмалар берилди. 3 та кам таъминланган оила фарзандларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб, соғломлаштирилиши учун йўлланмалар топширилди. 13 нафар тиббий ёрдамга муҳтож фуқарога эса ногиронлик аравачаси, зарур дори-дармонлар, протез-ортопедик воситалари топширилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар эса маҳаллаларнинг обод бўлишини таъминлабгина қолмай, кўнгилларга илиқлик бахш этиб, одамларнинг хуш кайфиятда ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминламоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БИНО ВА ИНШООТЛАР

УНИ ҚУРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЯНИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган "Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи иштирокида муҳокама ташкил этилди. Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳужжат фракциялараро қизғин баҳс-мунозарани келтириб чиқарди.

Мазкур қонун лойиҳаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ечимларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида жамоатчилик иштироки таъминланишига қаратилган.

Амалдаги Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасида фуқароларнинг шаҳарсозлик фаолиятига оид ҳужжатларнинг тайёрланишида иштирок этиш ҳуқуқи акс эттирилган. Аммо бу борада аниқ механизм мавжуд эмас. Шу боис фуқаролар ўз фикрларини умумий тартибда ариза ва шикоятлар тарзида ифодалаш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали билдириш билан чекланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бироқ шаҳарсозлик фаолияти ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унда жамоатчилик назорати механизмининг тўлақонли ўрнатилиши учун қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо қилади.

Депутатлар муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг долзарблигини таъкидлаб, унинг шаҳарсозлик фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Тақдим этилган қонун лойиҳасида жамоатчилик муҳокамасини ташкил этишнинг тартиби, мазкур соҳадаги жамоатчилик экспертизаси институтининг тартибга солиниши ва жамоатчилик экспертизаси натижаларининг қайд этилиши, муқобил лойиҳа институти киритилиши, шаҳарсозлик фаолияти бўйича расмий ахборот берилиши тартиби ҳамда шаҳарсозлик, лойиҳалаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарорларни қабул қилиш тартибини аниқлаш масалалари ўз аксини топган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, кейинги пайтларда аксарият ҳолларда кўп қаватли уй-жойлар аҳолининг, кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганмасдан барпо этилмоқда. Улар шаҳарсозлик қонун-қоидаларига қай даражада мослаштирилаётгани, лойиҳалар қачон ва ким томонидан тасдиқланган, аҳолининг фикри олинган-олинмагани жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларининг шаҳарсозлик соҳасидаги фаолиятида очиқлик ва шаффофлик таъминланмаган, натижада аҳоли томонидан давлат органларига нисбатан ҳақли эътирозлар билдирилмоқда. Шу боис фракция томонидан қонун лойиҳасида аҳолининг фикри олингандан кейин шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланиши шартлиги белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ, деган таклиф илгари сурилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси вакиллари партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан бири мамлакатимиз шаҳарларининг маданий ёдгорликларини, тарихий иншоотлар ва меъморий обидаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш, шунингдек, уларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ҳисобланишини таъкидладилар. Шу нуқтаи назардан, шаҳарсозлик нормаларига зид бўлган ҳолатларга кенг жамоатчиликнинг муносабати ва фикрларини инобатга олган ҳолда, муаммоларни бартараф этиш, тарихий обидаларга зарар етказувчи бинолар қурилишини тўхтатиш, олдини олиш ва меъёрдан баланд уй-жой, биноларни қуриш каби ҳолатларга чек қўйиш лозимлиги айтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари партиянинг Сайловолди платформасида ҳам уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий эттириш масалаларига алоҳида урғу берилганини таъкидладилар. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатадиган транспорт тизимини, тежамкор ерусти транспорти турларини ривожлантириш, велойўлакларни қуриш ва бошқа қулайликларни яратиш муҳим вазифалар этиб белгиланган.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, мамлакатимизни ривожлантириш юзасидан тайёрланаётган стратегия ва унинг ижроси билан боғлиқ бўлган тактикани белгилаб берувчи дастурларнинг қабул қилинишида жамоатчилик муҳокамаси асосий ўрин тутиши ҳамда уларнинг амалга оширилишида жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат идораларининг халқ учун очиқлик асосида ишлашига доир чора-тадбирларни амалга ошириш асосий вазифага айланмоғи керак.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи жамоатчилик назоратига доир нормалар миллий шаҳарсозлик қонунчилигимизда тўлақонли акс эттирилиши келгусида бино ва иншоотларимизнинг экологик, санитария талабларига мос равишда қад кўтарилишида муҳим ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Жорий йилнинг 6 ойи давомида айнан шаҳарсозлик, қурилиш билан боғлиқ 400 дан ортиқ мурожаат келиб тушганлиги қайд этилди. Ушбу мурожаатларнинг аксарияти қурилаётган бино ва иншоотларнинг экология, санитария талабларига мос эмаслиги хусусида эканлиги айтилди.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан реконструкция қилиш, ободонлаштириш, қурилиш учун ер ажратиш, аҳоли соғлиғи ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик субъектларининг шаҳар ҳамда аҳоли пунктларида жойлаштирилиши бўйича жамоатчилик экологик экспертизаси ва мониторинги институти нормалари киритилиши мақсадга мувофиқдир, деган фикрни илгари сурдилар.

Бир сўз билан айтганда, баҳс-мунозаралар натижасида депутатлар мазкур қонун лойиҳаси долзарб ва муҳим эканлиги, унинг қабул қилиниши шаҳарсозлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаши ҳамда жамоатчилик манфаати инобатга олиниши учун хизмат қилади, деган хулосага келдилар.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Қўшма корхоналар

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ҳиндистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган мамлакат. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатларимиз ўртасида кўплаб ҳужжатлар имзоланган бўлиб, улар икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунга келиб, Ҳиндистон Ўзбекистоннинг туризм, енгил саноат ва тўқимачилик, фармацевтика, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш соҳаларидаги йирик ҳамкорларидан бирига айланган.

Мамлакатимиз Ҳиндистонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва сайёҳлик хизматлари, кўнчилик хомашёси ва ўсимлик шарбатлари ва экстракти экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика ва кимё саноати маҳсулотлари, механик ва электрон ускуналар, автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб берилади.

Юртимизда бугунги кунда ҳинд тадбиркорлари сармояси иштирокида тузилган 100 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. "Quramax Medical" масъулияти чекланган жамият улардан бири.

Ушбу корхона мамлакатимиздаги дорихоналар, шифохоналар, дистрибьюторларга Ҳиндистоннинг "Marion Biotech" компаниясида ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини етказиб беради. Бунинг учун компаниянинг Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида филиаллари бўлиб, уларда 150 дан зиёд юртдошимиз иш билан таъминланган.

Шу ўринда "Marion Biotech" ҳақида икки оғиз сўз: мазкур компания Ҳиндистоннинг фармацевтикага ихтисослашган йирик компанияларидан биридир. Унинг кенг турдаги маҳсулотлари асосан Марказий Осиё ва Африка мамлакатларига экспорт қилинади. Хусусан, Ўзбекистонга "Quramax Medical" МЧЖ орқали "Цинепар", "Нолгрипп", "Травамакс", "Амбронол", "Док-1 Макс", "Виталонг", "Леворекс", "Ферофорт", "Белдомакс", "Анасеп гель" ва болалар учун "Цинепар Кид" каби 48 номдаги дори воситалари импорт қилинмоқда.

– Мамлакатингизда 2006 йилдан буён фаолият кўрсатамиз, – дейди "Quramax Medical" МЧЖ раҳбари Мучхала Соумил. – Юртингиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий сармоядорларга яратилган имтиёзлар, солиқ афзалликлари компаниямиз равнақини таъминлаб бермоқда. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар биз, хорижликларни ташаббускор ва фаол бўлишга ундаётир. Шу мақсадда ҳудудий филиалларимизни кўпайтириб, етказиб берилаётган фармацевтика маҳсулотлари турини ошириш ниятидамиз.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон – Ҳиндистон бизнес-форумида томонлар мамлакатларимизнинг фармацевтика ва кимё саноати соҳасидаги алоқаларни фаоллаштириш, шу орқали савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олган эди. Бу келишув "Quramax Medical" фаолиятида ҳам амалий тасдиғини топмоқда.

(ЎзА)

САЙЛОВ КОДЕКСИ МУҲОКАМАСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши марказий аппарати ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида янги таҳрирдаги Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

Келгуси йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича партия чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда депутатлар, шаҳар сайлов комиссияси аъзолари, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этди. Мазкур сиёсий жараён ошкора ўтишини таъминлайдиган миллий ва хорижий тажриба, халқаро норма ва стандартлар асосида тайёрланаётган янги, инновацион лойиҳа – Сайлов кодекси юзасидан фикр алмашилди.

Айни вақтда партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси томонидан мазкур кодекс лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Тизим тартибли йўлга қўйилган бўлса-да, турли норозилик ва ишончсизлик ҳолатлари кузатилгани ҳам ҳақиқат. Шу боис таклиф этилаётган Сайлов кодекси лойиҳасида фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилган.

Давра суҳбати давомида партия Тошкент шаҳар кенгаши олдида турган вазифаларга оид тадбирлар дастури белгиланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Инсон ва қонун

Жорий йилнинг 27 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўтарилган оғриқли муаммолар ҳар биримизни шу ҳақда жиддий ўйлашга ундади.

КИМ ЮТАДИ, КИМ ЮТҚАЗАДИ?

Йиғилишда жорий йилнинг 6 ойида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизида ёшларнинг қўли борлиги ачинарли аҳвол экани айтилди.

Давлат раҳбари бунинг сабабини ёшлар ягона ғоя, ягона мақсадлар йўлида жипслашмаётгани, таълим-тарбия ва бандликни таъминлашда кўплаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётгани билан изоҳлади.

Маълумки, бир йилда 600 мингдан зиёд йигит-қиз мактаб, лицей ва коллежларни битиради. Уларнинг 10-15 фоизигина олий ўқув юртлари талабаси, деган номга муяссар бўлади. Хўш, қолганлари-чи? Улар эртага ким бўлиши ҳақида сизу биз бош қотираяпмизми? Ёш авлоднинг ана шу катта бир "армияси" эътибордан четда қолса, ким ютадию ким ютқазади?

Албатта, бу барчамизни бирдай ўйлантирадиган масала. Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, уларнинг ташаббусларини, ғояларини рўёбга чиқариш, умуман, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди, унга кўп ваколатлар берилди. Айни пайтда мазкур иттифоқ йирик-йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар масаласи бўйича ҳатто парламентда ҳам махсус тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, парламентнинг юқори палатаси – Сенатда эса Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди.

Бироқ, яратилаётган бундай шароитлар, тузилаётган нуфузли тармоқ бирликлари, ажратилаётган маблағлар, кўрилаётган чора-тадбирлар кўламига қарамасдан ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка батамом барҳам бериб бўлмаяпти.

Назаримда, бундай хунук манзаранинг юзага келишига сабаб бўлаётган омиллардан бири аксарият ёшларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир. Шунинг оқибатида ҳозирда бирорта ҳам ижтимоий фойдали ишларга жалб этилмаган, уюшмаган ёшларнинг сафи 1 миллиондан ошиб кетган ва бу рақам тобора ортиб бормоқда.

Кўринадики, Президентимизнинг бу борада қайғуриб, ташвиш тортаётгани, жойлардаги масъуллар ёшлар томонидан содир этилаётган ҳар бир жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиб, маълумот бериши даркор, деган талабни қўяётгани бежиз эмас. Шундагина ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш, сабабларини аниқлаб, келгусида унинг олдини олишда самарага эришиш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш иммунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолаверади.

Биз айни масала юзасидан барча давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари қаторида бу йўналишдаги ўз ишларимизни қайта кўриб чиқишимиз, фаолиятимизни жонлантиришимиз лозим, деган хулосага келдик. Тўғри, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширди. Бироқ, бу ишлар бугунги воқелик олдида етарли эмаслиги аён бўлиб турибди.

Шу сабаб парламент аъзолари яқин кунларда Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси иштирокида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни танқидий ўрганиб, аниқ таклифлар билан чиқади.

Зеро, эртамиз қандай бўлишини истасак, бугун, ҳозирдан шунга яраша йўл тутмоғимиз, келажагимизни таъминловчи авлодга муносиб шароит ва имконият яратишимиз, улар тақдирига бефарқ қарамаслигимиз лозим.

Жолдасбай АБДИЖАМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси ўринбосари

Жиноят ҳақиқати ва адолат

Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш шу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг асл моҳиятини ташкил этади.

ПОРАХЎРЛИК КАМАЙГАНИ КУЗАТИЛДИ

Бундай қонуний нормалар ҳаётимизда акс этаётгани, яъни жамиятда, юртдошларимизда порахўрликка нафрат ҳисси кучайгани, унга барҳам бериш учун фуқаролар фаоллик кўрсатаётгани кузатилмоқда.

Хўш, бунинг таъсири қандай бўлмоқда? Пора олувчи, коррупцияга йўл қўяётган масъул шахслар бундан ҳушёр тортаяптими?

Жиноят судларида кўрилган ишлар таҳлилига назар ташланса, жорий йилнинг дастлабки ярим йиллигида пора олиш ва бериш, бу жараёнда воситачилик қилиш жинояти камайгани кузатилган.

Анча йиллар пора берган, олган ёки уларга воситачилик қилганларга томошабин бўлиш ёки шу жараёнда иштирок этишга баъзан оддий ҳол, деб қаралгани коррупциянинг илдиз отишига туртки бўлди. Бу эса кўплаб соҳаларнинг издан чиқиши ёки самарасиз фаолият юритишига сабаб бўлгани сир эмас. Аммо энди бундай ҳолга муросасиз бўлиш, бу иллатга йўл қўйганларни фош этиш самарасини кўрсата бошлади. Демак, коррупцияга қарши курашиш нафақат сўзимизда, амалда давом этсин. Шунда биз тараққиётга тўсиқ бўлган ғовдан батамом қутиламиз.

Жиноят судларида кўрилган ишлар таҳлилига назар ташласак, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бошқа жиноят турлари камайгани, жумладан, босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, ўғрилик каби жиноятлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, безорилик, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, транспорт воситасини олиб қочиш, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичларида камайиш қайд этилди.

– 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 26 минг 442 шахсга нисбатан 20 минг 283 иш кўриб чиқилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий вакили Азиз Обидов. – Жумладан, 375 шахс оқланди ва реабилитация қилинди. Судланган шахслар сони 19 минг 683 нафарни ташкил этди. Шундан 4 минг 828 шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 13 минг 657 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди. 1 минг 198 шахс шартли ҳукм қилинди.

Шунингдек, 1 минг 770 шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди. 15 минг 504 нафари жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинди. 4 минг 791 нафарига тайинланган жазо енгили билан алмаштирилди. 4 минг 101 шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

Ҳисобот даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 4 минг 634 шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 196,1 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 2 минг 226 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

9 мингдан зиёд жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 45 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Сайёр суд мажлислари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, аҳолининг судга яқинлашувини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бу, ўз навбатида, одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ

Одам савдоси – инсоннинг эркинлигини, ҳуқуқларини поймол қилишга қаратилган жиноят бўлгани учун ҳам дунё жамоатчилиги томонидан кескин қораланади.

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси жиноятининг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни асосида одам савдосига қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги мустаҳкамланган.

Ҳар йили Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни дунё миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланади.

Пойтахтимизнинг "Анҳор-Локомотив" истироҳат боғида "Биз одам савдосига қаршимиз!" акцияси бўлиб ўтди. Тадбир Республика "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази, Республика одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларо комиссияси ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таниқли санъаткорларнинг концерт дастурлари билан бойитилган акция давомида йиғилганлар одам савдоси муаммоси ва унинг олдини олишга оид маълумотлар билан таништирилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – аҳоли, айниқса, ёшларни одам савдоси муаммоси ҳақида огоҳ этиш, уларни бу жиноят гирдобига тушиб қолмаслиги учун ҳушёрликка чақиришдир. Унда "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, марказнинг "Долзарб алоқа тармоғи" фаолияти, одам савдосидан жабрланганларга кўрсатилаётган ёрдам, уларни ҳаётга қайтариш борасида қилинаётган ишлар, бу жараёнга ҳисса қўшаётган кўнгиллилар ҳақида кенг тушунча берилди.

Акция давомида санъаткорлар, ижодий жамоалар огоҳликка чорловчи қўшиқ ва рақслари билан иштирок этди.

(ЎзА)

Қарор ва ижро

МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани "Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ажримларнинг олдини олиш, аёллар жиноятчилиги ошиб кетишига йўл қўймаслик, уни келтириб чиқарган муаммоларни ўрганиш, айниқса ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлашда холис ва шаффофликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳамда бу борадаги муаммолар" деб номланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!" деган эзгу ғоя асосида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳамда бу борадаги муаммолар таҳлил этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йилнинг 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлиги қайд қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларининг туман ва шаҳарларида Аёллар ижтимоий мослашуви марказларининг иш бошлагани шулар жумласидандир.

Мазкур Аёллар ижтимоий мослашуви марказларига жорий йилнинг май, июнь ойларида 70 дан ортиқ оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар мурожаат қилган. Уларни нормал ҳаётга қайтариш учун етарлича ишлар олиб борилди ва фарзандларига ҳам ижтимоий-психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда қўмита орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари жалб қилинган ҳолда, улар билан узвий ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Қўмита томонидан аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида жами 139 989 та иш ўринлари яратилган. Жумладан, "Устоз-шогирд" тизими асосида хотин-қизларнинг 5604 нафари ҳунармандчиликка, 13 754 нафари касаначиликка жалб этилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Оғир турмуш шароитда яшаётган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар жами 9128 нафарни ташкил қилмоқда. Шундан 1043 нафари уй-жой билан таъминланган. 5303 тасига эса уй-жой олиш учун тавсия берилди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандлари тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жойини яхшилашга муҳтож оналарга шу йилнинг август ва ноябрь ойларида янги уйларни топшириш режалаштирилган.

Анжуман якунида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ВАГОНДАГИ ОШХОНА ШКАФИГА НИМА ЯШИРИЛГАН ЭДИ?

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда "Остона – Самарқанд" йўналиши бўйича юртимизга кириб келган йўловчи ташиш поезди йўловчиларининг қўл юкларини божхона кўригидан ўтказиш вақтида қонунбузарлик ҳолатини фош этишди.

Фуқаро О.Самадов вагоннинг ошхона жиҳозлари турадиган шкафнинг пастки қисмида жойлашган махсус жойда умумий қиймати 2 млн. сўмлик жами 120 дона "EZ Revolution cartridges" номли инсон баданини татуировка қилиш учун мўлжалланган игналарни яшириб юртимизга олиб кирмоқчи бўлган экан.

Божхона назорати жараёнида ошхона шкафидаги қутилар остида қора рангли полиэтилен пакет ўрами ҳам яширилганлиги маълум бўлди.

Ушбу полиэтилен пакет ўрами холислар иштирокида очиб кўрилганда, унинг ичида полиэтилен пакет парчаларига ўралган, гиёҳвандлик воситасига ўхшаш хашаксимон ўсимлик борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт криминалистик марказининг хулосасига кўра ушбу аниқланган қуритилган ўсимлик вазни 20,71 гр.ни ташкил этувчи "Марихуана" гиёҳвандлик воситаси деб топилди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар
Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

"102": ҳодисалар

"ХАВФСИЗ ШАҲАР": ТУНГИ "УЧАР"ЛАР АНИҚЛАНДИ

Тунги вақтларда мото ва автотранспорт воситаларида тезликни ошириб, пойга уюштираётган айрим ҳуқуқбузарларга қарши ички ишлар идоралари томонидан назарий ва амалий чоралар кўрилмоқда. Ўтган куни йўл патруль хизмати тунги патруллаш гуруҳи ходимлари томонидан аҳоли тинчлигини бузиб, уларнинг норозилигига сабаб бўлаётган ушбу тоифа ҳайдовчилардан яна бир нечтаси аниқланди.

Демак, шу кечада шаҳар бўйича авто-мототранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан жами 487 та қоидабузарлик қайд этилди.

ЙПХ ходимлари тезликни ошириб ҳаракатланиб келаётган 22 нафар ҳайдовчини тўхтатишган, улардан 12 нафари мотоциклчилардир. Шундан 3 кишининг маст ҳолда машина бошқаргани маълум бўлди.

Бундан ташқари, 6 нафар мотоциклчининг ҳужжатлари йўқлиги, 2 нафари шлемсиз экани, 4 нафарида давлат рақами белгиси стандартга мос эмаслиги аниқланди. Умумий ҳисобда 24 нафар ҳайдовчининг тегишли ҳужжатларсиз автомобиль бошқаргани, 33 нафарининг светофорнинг қизил чироғи ва йўл белгиларига бўйсунмагани, 214 нафарининг хавфсизлик камари тақмаганлиги қайд этилди. Уларнинг барчасига нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Транспорт воситалари эса жарима майдонига қўйилди.

Мотоциклчилар диққатига! Айни вақтда, жамоат тартибини бузган, кечки ва тунги вақтларда мотоциклни тез бошқариб, пойгада қатнашаётган ва одамларнинг тунда ором олишига халал бераётган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, қоидаларга амал қилишингизни ва ён-атрофдаги инсонларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишингизни сўраймиз!

МАҚСАД – АБИТУРИЕНТЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ САҚЛАШ!

Пойтахт олий таълим муассасаларида тест синовлари ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернатида, теннис спорт мажмуаси ҳамда "Ёшлик" спорт аренаси биноларида ёнғин ўчириш амалий тактик машғулотлари ўтказилди.

Машғулотлар доирасида ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ишчи-хизматчиларни эвакуация қилиш жараёни ташкил этилиб, масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, ёнғинни автоматик равишда сезиш ва овозли хабар бериш қурилмаларининг созлиги, заҳира чиқиш йўлларининг ҳолати, ёнғин вақтида йўналишни кўрсатувчи белгилар ва авария ёритиш тизими мавжудлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг созлиги ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ўз вазифаларини қай даражада билишлари текширувдан ўтказилди.

Тадбир давомида маскан ишчи-хизматчиларига содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни бартараф этиш ва инсонларнинг тезда эвакуациясини ташкил этиш бўйича тушунчалар берилди.

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош
бошқармасининг
матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.



СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Чилонзор туманида жойлашган "Яккабоғ" маҳалласида "Street Work out" спорт майдончаси ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки спорт майдончаси "Street Work out" спорти билан шуғулланувчиларнинг таклиф ва истаклари, мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида замонавий шаклда жиҳозланди.

Куни кеча спорт майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла ёшлари қатнашди.

— Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатнинг барқарор ва илдам ривожланишининг муҳим шартидир, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Жумладан бугунги кунда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун зарурий шарт-шароит яратиш уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, ёш авлодни турли салбий иллатлардан асрашга замин яратади. Зеро, ҳеч бир нарса спорт каби мамлакатни дунёга тез ва қисқа фурсатларда танита олмайди. "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Чилонзор туманида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Мазкур тадбир ҳам шулар жумласидан.

Тадбирнинг асосий қисмида ташкилотчилар томонидан рамзий лента кесилиб "Street Work out" спорт майдончасининг рамзий калити маҳалла ёшларига топширилди. "Street Work out" спорт тури билан шуғулланувчилари, ёш спортчилар ҳамда Ўзбекистон Миллий гвардияси аскарлари томонидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Тантанали очилиш маросимида спортнинг "Street Work out" тури бўйича Чилонзор туман очиқ чемпионатига старт берилди. Мусобақа давомида ёшлар турникда спорт машқларини бажариш, тезкор ва кўргазмали чиқишларини намойиш этиш бўйича ўзаро беллашишди. Мусобақа малакали мутахассислар томонидан назорат қилиб борилди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Эндиликда "Street Work out" спорт майдончасида "Яккабоғ" балки Чилонзор туманининг барча маҳалла ёшлари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўлишди.

Зарина РУСТАМОВА

Футбол янгиликлари

ПЕШҚАДАМ УЧ ОЧКОДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 19-тури доирасида "Навбаҳор" ҳамда "Пахтакор" клублари баҳсида турнир жадвали карвонбошиси Шота Арвеладзе шогирдлари муҳим уч очкодан маҳрум бўлишди.

Гап шундаки, шу кунгача "Навбаҳор" ҳам, "Пахтакор" ҳам имкон даражасида сермазмун ўйин намойиш этиб, чемпионлик учун курашадиган командалар қаторида эканликларини исботлаб келишяпти. Пойтахтимизнинг "Пахтакор" жамоаси эса турнир жадвалида пешқадамлик қилиб турибди.

"Навбаҳор" билан сафарда куч синашган пахтакорчиларнинг ғалабаси мутахассислару, мухлислар томонидан тахмин қилинаётган эди. Аммо, майдон эгалари ўзларидан кучлироқ деб эътироф этилган меҳмонларга қарши муносиб тўп суришди. Ўйин қизиқарли, ҳужумлар, тезкор, комбинацияларга бой кечди. Ҳар икки жамоа ҳам майдонга ғалаба иштиёқида тушганлигини намойиш этди. Учрашувнинг 52-дақиқасида И.Голбан томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона гол мезбонларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди. Пахтакорчилар эса муҳим уч очкодан маҳрум бўлишди.

Турнинг қолган баҳслари қуйидагича якунланди: "Насаф" — АГМК — 0:2, "Металлург" — "Нефтчи" — 1:0, "Локомотив" — "Бунёдкор" — 3:1, "Қўқон-1912" — "Сўғдиёна" — 2:1, "Қизилқум" — "Бухоро" — 0:1.

ЎЙИНЛАР ЧИПТАЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

Футбол мухлисларига маълумки, келгуси йилнинг 5 январидан 1 февралига қадар БАА навбатдаги Осиё кубогига мезбонлик қилади.

Осиё кубоги учрашувлари БААнинг 8 та стадионида ташкиллаштирилади. ОФК расмий сайти Осиё кубоги учун чипталар сотуви 30 июлдан йўлга қўйилганини маълум қилди. Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида мусобақа ташкилий қўмитаси аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда чипталар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Унга кўра, чипталар нархи мусобақа босқичига қараб уч хил тоифага ажратилган. Гуруҳ босқичидаги чипталар нархи ҳақида гапирадиган бўлсак, 3-тоифа — 6,75 доллар, 2-тоифа — 13,5 доллар, 1-тоифа — 20,25 доллар қилиб белгиланган. Мухлислар бевосита Осиё кубогининг чорак финали учрашувларини стадиондан кўриш учун 3-тоифага 6,75 доллар, 2-тоифага — 13,5 доллар, 1-тоифага 20,25 доллар сарфлашлари лозим бўлади. Ярим финалнинг учрашувлари нархи бироз баландроқ, яъни, ярим финал 1-тоифа чипталари нархи 40,5 доллар қилиб белгиланган. Финал баҳсининг чипталари 1-тоифаси эса 81 доллар ни ташкил этади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТЕРМА ЖАМОА ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Индонезияда 18 август куни йилнинг кутилган мусобақаси — XVIII Осиё ўйинлари старт олади.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларимиз рўйхатини эълон қилиб келмоқда.

Куни кеча Осиё ўйинларида таэквондо "WTF" бўйича мусобақада иштирок этувчи ўзбекистонлик спортчиларимиз рўйхати эълон қилинди. Терма жамоа таркиби эркаклар — Ниёз Пўлатов, Сардор Тоиров, Ҳожиакбар Зокиров, Никита Рафалович, Дмитрий Шокин, аёллар — Мадинабону Маннопова, Динора Мамадибрагимова, Чарос Қаюмова, Нигора Турсунқулова, Светлана Осипова. Таэквондо WTF Ассоциация раиси — Лазиз Ҳасанов, бош мураббий — Акмал Иргашев, мураббий — Павел Хан, шифокор — Алия Ирманова.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА СОВРИНДОР

Болгариянинг Пловдив шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини 16 нафар спортчи ҳимоя қилади. Жаҳоннинг 85 мамлакатидан 456 нафар спортчи иштирок этаётган мусобақада спортчиларимиз совриндорлар қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлдилар.

"С-2" қайиғида жуфтликда 200 метрлик масофага эшкак эшган Дилноза Раҳматова ҳамда Нилуфар Зокирова тандеми кумуш медални қўлга киритишди. Қизларимиз бу борада фақат белоруслик рақибаларидан ортда қолишди.

Артур Гулеев ва Элёржон Мамадалиевлар "С-2" қайиғида 500 метр масофага эшкак эшиб, кумуш медални қўлга киритдилар.

Ботир ХЎЖАЕВ

Саломатлик

ТИББИЙ КЎРИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти Тошкент шаҳар бўлими томонидан аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиникада ўтказилган тиббий кўрик ҳам ҳамкорликда олиб борилаётган мақсадли ишларнинг бир кўринишидир.

Тиббий кўрик жараёнида 8 та маҳалланинг аҳолиси, кекса отахон ва онахонлар, хотин-қизлар ва болалар қатнашди.

Тадбир доирасида малакали шифокорлар фуқаролар соғлигини текшириб кўриш билан бирга уларга соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатликни тўғри шакллантиришга доир фойдали маслаҳатларни ҳам тавсия этди.

– Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, энг муҳими фуқароларни ўзининг соғлигига бўлган эътиборини ошириш юзасидан бир қанча тарғибот тадбирларини ҳам олиб бормоқдамиз, – дейди 39-оилавий поликлиника бош шифокори Дилдора Маматхонова. – Бугунги кунгача аҳолини мақсадли тиббий хизмат ёрдами билан қамраб олиш юзасидан хонадонларга бир неча маротаба ташрифлар уюштирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тиббий хизматга эҳтиёжманд бир қатор оилаларга патронаж хизматлари кўрсатилди. Асосий мақсадимиз фуқароларимизни ва болажонларимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, уларни бахтли ва соғлом ҳаётга йўллашдан иборатдир. Зеро, инсон саломатлиги ҳар нарсадан устундир.

Тадбир давомида 850 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Поликлиника ҳудудида жойлашган 8 та маҳалла фаоллари билан биргаликда ишлаш юзасидан давра суҳбатлари ташкил этилди.

Гулнигор САТТОРОВА

МАҲДУДЛИКНИНГ МИНГ БИР ТАШВИШИ

ёхуд кино кеча, бугун, эртага

Биламизки, ҳар қандай мақтовга арзигулик иш замирида минглаб инсонларнинг пешона тери, умри ётади. Унга узоқдан туриб турли муносабат билдириш мумкин.

Истиқлол йилларида халқимиз онгу шуури, маънавий ҳаёт тарзи ҳамда дунёқарашида беқиёс ўзгаришлар рўй берганлиги барчамизга аён. Бу, ўз навбатида, санъат ва маданият соҳаларида ҳам буткул янгича қарашлар, эски замон талабларидан холи бўлган эркин ижодий муҳит юзага келишида асосий омил вазифасини бажарди. Ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 июлдаги "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада туб бурилиш ясаган амалий саъй-ҳаракатлардан биридир.

Ўтган йиллар давомида киноижодкорларнинг янги авлоди майдонга чикди. Улар қисман бўлса-да, томошабинни яна кинотеатрга қайтара олди. Экранларимизда киши қалбини эзгуликка ундовчи, киномухлисни жиддий мушоҳада юритишга чорловчи санъат асарлари пайдо бўлди: "Иблис девори", "Чавандоз", "Сув ёқалаб", "Дилхирож", "Нотаниш полвон", "Ўтов", "Тоға", "Ватан", "Йўл бўлсин", "Чашма", "18-квадрат", "Кичкина одамлар" каби фильмларни қайд этиш жоиз. Ўзбек кинофильмлари орасида нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилаётган асарлар мавжуд.

Филология фанлари номзоди, киношунос Маҳлиё МИРСОАТОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Кино борасида фикр айтиладиган, жиддий қарорлар қабул қилинадиган давр келганидан мамнунман, – дейди М.Мирсоатова. – Кино санъатида турфа тақдирлар ечими, миллат тарихи яққол акс этади. Шунинг учун ҳам кино саноатининг қадри баланддир. Бу ҳол бизда – мамлакатимизда оқсаётганди. Кадрлар масаласи ҳам деярли жар ёқасига келиб қолган эди. Кинопублицист, кинотанқидчилар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Пишиқ, пухта сценарийлар ёзадиганларнинг уни ўчгани рост. Бори ҳам Алининг қалпоғини Валига кийдириб эплаб келишаётганди. Кино – масхарабозлик қиладиган майдон эмас. Бу олиймақом санъат турини топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Президентнинг "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кино соҳасини муқаррар ҳалокатдан қутқарув бонги ва оқилона ечими, деб ҳисоблайман.

Бу мўъжизавий санъатнинг эстетик жиҳатини, гўзал моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, кинематографияни саноатга боғлаб, унинг молиявий манфаатдорлик томонини биринчи ўринга қўювчилар йўқ эмас. Таниқли киношунос А.Мальро ўзининг "Кино руҳияти ҳақида очерклар" китобида шундай қайд этади: "Ким нима дейишидан қатъи назар, охир-оқибатда кинонинг саноат тури эканлигини тан олишга мажбурмиз. Хуллас, кино ҳақида баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз тўхтамаётгани ҳам бу санъатнинг, ниҳоятда, ўзига хослигидан бир дарак".

– Қарор бўйича ишлар қилинса, бу тизимда оламшумул янгиликлар бўлади. Лекин "чаламулла"лардан воз кечиш пайти келмадимикан?!

– Мен киношунос сифатида чиндан ҳам ҳозирги ҳолатга жоним ачиб, куйиниб кетаяпман. Ўрни келди айтиш керак, мамлакатимиз кино санъати инқирозга учраётгани аччиқ ҳақиқат. Ўзимизни алдаб нима қилдик, дадил илмий мушоҳада эта оладиган ёш киношунослар авлодида узилиш кузатилмоқда. Бори ҳам қирқдан ошган олимлар. Жўра Тешабоев, Ханжара Абдулқосимова, Ҳамидулла Акбаров сингари умрини илмга бахшида қилган олимлар сингари янги авлод вакилларидан пичоққа илинадигани йўқ. Ўрта авлод сафида ҳам кадрлар сони саноқли. Очиғи, юртимизнинг нуфузли олийгоҳларида киношунослик бўйича илмий мактаб бўлмади. Бир-икки фидойи олимлар вазиятни ўзгартиришга қодир эмас. Қарорда мутахассислар тақчиллигига барҳам бериш, савиясини ошириш лозимлиги қайд этилган.

– Кино соҳасида "дид"нинг ҳаминқадарлиги жуда кўп таъкидланмоқда.

– Очиғи, буни биров ёқламайди. Сўнгги йилларда яхши кино суратга олиши мумкин бўлган режиссёрлар ҳам "хонтахта" фильмлар оҳангжамасига берилишди. Бу ерда иқтисодий манфаат устун келгани аниқ. Кино санъатининг эътибордан бир муддат четда қолгани уддабурон тадбиркорларга қўл келди. Улар пул ишлаш учун бир марта кўришга-да арзимайдиган фильмларга ҳомийлик қила бошлади. Натижада томошабинларнинг савияси ўтмаслаша борди, афсуски, бу ҳозир ҳам давом этмоқда.

Кино тарихи юз йилдан ортиқ вақт мобайнида турлича ривожланиш босқичларини босдан кечирди. Таниқли кинематографлардан бири П.Гринуэй шундай ёзади: "Ниманидир бошлаш учун унутмоқ ёки бутунлай йўқ қилмоқ зарур. Мен сизларга, модернчи (замонавий, янгиликпараст) бўлинглар, демоқчи эмасман. Мен бунга қаршиман. Лекин шуни тушунаманки, кинематографчи сифатида ниманидир кесиб ташлашим, кино оламида рўй берган даҳшатли ҳалокатни унутишим, у ҳақдаги ҳамма нарсани бутунлай ёддан чиқариб ташлашим керак. Шу пайтгача, кинода нима иш қилинган бўлса, буларнинг бари – фақатгина муқаддима, фақатгина бошланғич қисм. Ҳақиқий кинони яратиш учун шунча кўп бесамара ҳаракатлар қилинибди-я. Мен ўзимга мана шу фикрни сингдиришга уринаман".

ЎзА мухбири Ғайрат ШИРИНОВ суҳбатлашди

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-7323
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 835
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345